

**МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ВОСИТАСИДА БЎЛАЖАК ИНГЛИЗ ТИЛИ
ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ СОЦИОЛИНГВИСТИК
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АМАЛИЁТДАГИ
ҲОЛАТИ**

Дилафруз Муҳаммадҷонова Саримсакова,
Наманган давлат университети таянч докторанти
dilafruz89@gmail.com

***Аннотация:** Мазкур мақолада ОТМларда мустақил таълим воситасида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг социолингвистик компетентлигини ривожлантиришнинг амалиётдаги аҳолини тахлил қиламиз.*

***Калим сўзлар:** мустақил таълим, бўлажак инглиз тили ўқитувчиси, социолингвистик компетентлик, ўқув модуллари, малака талаблари, тахлил, тавсия*

**CURRENT SITUATION OF DEVELOPING SOCIOLINGUISTIC
COMPETENCE OF FUTURE ENGLISH TEACHERS THROUGH
INDEPENDENT LEARNING**

Dilafruz Muhamadjonovna Sarimsakova,
PhD student of Namangan State University

Abstract: This article conveys the analysis of current situation of developing the sociolinguistic competence of future English teachers through independent learning in higher educational institutions of our country.

Key words: independent study, future English teacher, sociolinguistic competence, training modules, qualification requirements, analysis, recommendation.

Кириш

Маълумки, “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” давлат дастурига мувофиқ, мамлакатимизда хорижий тилларни ўргатишни таълим сиёсатининг устувор йўналиши сифатида ривожлантириш, ушбу йўналишда таълим сифатини тубдан ошириш, соҳага малакали педагогларни жалб этиш ҳамда аҳолининг хорижий тилларни ўрганишга бўлган қизиқишини ошириш мақсад қилиб қўйилди. Унга кўра, кучли рақобатдош, коммуникатив компетентли чет тиллари ўқитувчиларини

тайёрлаш тизимининг ҳуқуқий-меъёрий асослари (таълим тизимидаги қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг чет тиллар ўқитиш тизимини такомиллаштириш ва оммалаштиришга доир фармон ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, тегишли вазирликлар ва халқаро ташкилотларнинг ўқитувчи мақоми, чет тилларини билиш даражалари тўғрисидаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар), таълим сифатини яхшилаш борасида халқаро илмий-назарий ғоялар ва тажрибаларни ўрганиш, хорижий ва мамлакатимизнинг педагог, филолог, методист, психолог, социолог олимларининг компетенция, компетентлик, касбий компетенция, ўқитувчи автономияси, мустақил таълим кўникмаларини ривожлантиришга доир илмий-назарий қарашларининг мазмун-моҳияти рақобатбардош коммуникатив компетентли инглиз тили ўқитувчилари тайёрлашнинг ғоявий пойдевори ҳисобланади.

Асосий қисм

(CEFR) халқаро меёрлари амалдаги ДТСларда “can do” мазмунида ёритилган бўлиб, ОТМларда мутахассислиги чет тили бўлган бакалавр ва магистратура босқичи битирувчилари, яъни бўлажак инглиз тили ўқитувчилари С1 даражаси учун коммуникатив компетенцияларининг тайёргарлик даражаси ва касбий компетенцияларни эгаллашларига қўйилган таълим мазмуни қуйидагича белгиланган [6, 7, 7-9 бетлар]:

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

- дунёқараш билан боғлиқ фалсафий билимларга тизимли эга бўлиши, мустақил таҳлил қила олиши, касбий фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усуллари эгаллаган бўлиши, ўз касбий фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

- тегишли таълим (бакалавр ва магистратура) йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассавур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш ўқув ва кўникмаларига эга бўлиши;

- интеллектуал, маданий, маънавий, жисмоний ва касбий ўз-ўзини ривожлантириш ва такомиллаштириш қобилиятига эга бўлиши ва бу қобилиятни амалда қўллай билиши;

- тарихий мерос ва маданий анъаналарга самимий муносабатда бўлиши, ижтимоий ва маданий фарқларни бағрикенглик билан қабул қилиши;

- замонавий тадқиқот методларини мустақил равишда ўрганиш ҳамда илмий ва илмий ишлаб чиқариш доирасида касбий фаолиятини ўзгартиришни билиши;

- умуминсоний кадриятларни чуқур тушуниш, ўзбек ва тили ўрганилаётган мамлакатлар халқлари жамиятларига хос бўлган ижтимоий, миллий, диний ва касбий сифатлар ва кадриятларни билиш, фарқлаш, баҳолаш, ҳурмат қилиш ва инобатга олиш ва касбга оид соҳаларда бошқарув ишларини амалга ошириши;

- бир жамоа бўлиб ишлаш, қабул қилинган ахлоқий ва ҳуқуқий қоидаларга риоя қилган ҳолда ижтимоий ўзаро таъсир ўтказиш, шахсиятни ҳурмат қилиш, ишончли ҳамкорлик муносабатларини таъминлашда масъулиятни сезиш ва жавобгарликка тайёр туриши;

- замонавий цивилизацияни сақлаб қолиш ва ривожлантиришда гуманитар кадриятларнинг аҳамиятини англаб етиш;

- фикрлаш маданияти, таҳлил қилиш, маълумотларни умумлаштириш, мақсад қўйиб унга эришиш йўллари излаш қобилиятларига эга бўлиши;

- ўз мамлакати фуқароси сифатида ҳуқуқ ва мажбуриятларини билиш, касбий фаолиятида амалдаги қонунларга бўйсунуши;

- маданиятлараро касбий мулоқот воситаси сифатида чет тилини мукамал билиш;

- таҳликали ва бошқа вазиятларда ташаббускорлик қилиш, ўзи қабул қилган қарорларга жавобгар бўлиши;

- умумий ва касбий жиҳатдан ривожланиш учун ўз мутахассислиги ва бошқа соҳаларга тегишли бўлган янги билимларни мустақил равишда эгаллаши;

- янги ғояларни ўйлаб чиқиш, турли вазиятларга мослаша олиш, тўпланган тажрибаларни танқидий ўрганиш, ўз имкониятларини танқидий баҳолаши;

- ўз мутахассислигининг келажак учун бўлган аҳамиятини англаш, касбий фаолиятини амалга оширишда масъулият билан ёндашиши.

- танлаган соҳасида илмий тадқиқотларнинг сифатини баҳолай олиш, мавжуд бўлган маълумотларни янгилари билан солиштириш, мантиқий ва босқичма-босқич равишда ўз тадқиқотини тарғиб қила билиш ва прагматик доирада амалга ошириши;

- узлуксиз таълим тизимининг ДТСлари, малака талаблари ва бошқа ўқув-меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқиш қобилиятига эга бўлиши;
- ўқув-методик қўлланмалар ишлаб чиқиш, лойиҳалаш, моделлаштириш кўникма ва малакаларига эга бўлиш;
- инглиз тили ва адабиётини ўқитишда турли ёндашув, йўналиш ва технологияларни ривожлантириш орқали янги моделларни ишлаб чиқиш;
- миллий ва халқаро аҳамиятга эга бўлган илмий, таълимга оид, ижодий, реклама лойиҳаларини ишлаб чиқиш;
- лойиҳалаш малакаларини қўллаш орқали компьютернинг матн редактори ёрдамида таржима матнини расмийлаштириш;
- турли маданият ва жамият вакиллари орасида тахминий мулоқот вазиятларини моделлаштиришни билиш;
- аутентик тилни когнитив ва формал моделлаштириш усулларини ва метатилларни яратиш усулларини билиш;
- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;
- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланишни билиш;
- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашишни билиш;
- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш кўникмаларига эга бўлиши;
- давлат, нодавлат ва нотажорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши; ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиши.

Бакалавр ва магистратура таълими битирувчиларининг чет тили коммуникатив компетенциялари бўйича тайёргарлик даражаси ва касбий компетенцияларига қўйилган талаблар шундан далолат берадики, чет тилларини ўқитиш бўйича амалдаги ДТСлар [9,10, 7-9 бетлар] чет тилларини ўқитиш ва ўрганиш бўйича қабул қилинган қарор ва фармонлар талаблари асосида мазмунан мукамал яратилган фан дастурлари ва ишчи ўқув дастурларнинг бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг чет тили коммуникатив компетенциялари: *лингвистик* (тилга оид нутқий коидалар: грамматика, синтакс, семантика, фонетика ва стилистика), *социолингвистик*

(ижтимоий муносабатларда билим, тажриба, мулоқотга оид компетенция) ва *прагматик* (ижтимоий фаолиятни ўзида қамраб олувчи нутқ жараёни, нутқ тактикаси, нутқ одоби, сўзлашиш қоидалари) компетенциялари ва касбий компетенцияларини мустақил таълим жараёнида ривожлантириш катта аҳамият касб этади.

Биз тажриба синов ишлари учун таълим йўналиши 5111400 – Хорижий тил ва адабиёти (тиллар бўйича) бўйича бакалаврият таълими босқичида ўқитиладиган бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг социолингвистик компетенцияларини мустақил таълим жараёнида ривожлантиришнинг имкониятлари катта бўлган “Тил кўникмалари интеграцияси”, “Хорижий тилларни ўқитишда маданиятлараро мулоқотни шакллантириш”, ва “Социолингвистика” модулларини тадқиқодимиз модули сифатида танладик. Танланган модуллар бўйича ўқув дастурларини тадқиқот мавзуси доирасида таҳлил қилдик, модулларнинг мазмунини талаблар асосида янада бойитиш мақсадида тафсияларни бердик.

“Тил кўникмалари интеграцияси” модули ичига “тил кўникмалари интеграцияси” ва “Оғзаки нутқ амалиёти (тинглаш ва гапириш)” модулларни қамраб олиб, талабалар 1-4 семестрлар давомида жами 600 соат (240 соат аудитория машғулотлари, 360 соат мустақил таълим) ўқув юкчасини бажариб, жами 20 кредит жамғаришлари керак бўлади. Ушбу модул бўлажак инглиз тили ўқитувчиларига “лойиҳага асосланган ўқитиш” методикаси асосида тўрт кўникма: сўзлашиш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзиш кўникмаларни баравар ривожлантиришга хизмат қилади. Модул якунида талабалар инглиз тилини ижтимоий коммуникатив вазиятларда (CEFR) халқаро меъёрларига асосан босқичма-босқич B1 дан C1 даражасига амалда қўллаш олиш, ўрганилаётган чет тилида ўқиш, тинглаб тушуниш, гапириш ва ёзиш кўникмаларни, тил кўникмаларини такомиллаштириш билан бир каторда трансвербал кўникмаларни, ўзининг тил кўникмаларини ривожлантириш борасидаги фаолиятини баҳолай олиш ва рефлексия кўникмаларини, мавзуси қисман таниш ва тилнинг мураккаблик даражасига кўра танланган матнларни, шунингдек аутентик материалларни (масалан, китоб, журнал, газета, брошюра, ҳужжат, фильм, аудио тасма, маъруза ва бошқалардан) ўқиш, тинглаб тушуниш, маълумотлар тўплаш ва улардан амалда фойдаланиш, презентациялар орқали ўз фикрларини аниқ баён қилиш, тили ўрганилаётган мамлакат маданияти ва ўз маданиятларини қийослаш ва таққослаш малакасини ошириш, маданиятлараро мулоқотга тааллуқли масалаларга танқидий нуқтаи назар билан ёндашиш, уларни тўғри талқин қилишга доир лойиҳа ишларини бажариш, тинглаб тушунишни осонлаштириш учун турли стратегияларни қўллаш олиши, ҳиссиётлари ва

муносабатини тасвирлаган ҳолда кўрган-кечирганларини батафсил баён қила олиши, турли жанрдаги (теле янгиликлар, ҳикоялар, телерекламалар, эълонлар ва шу каби) матнларни тушуниш ва муҳокама қилиш учун тинглаши, сўзлашувчининг кайфияти, оҳанги ва муносабатини англай олиши, биринчи курс давомида норасмий ва иккинчи курс давомида расмий кўринишдаги муҳокамаларда ўз нуқтаи назарини ва фикрини бемалол баён эта олиши ва бошқаларнинг фикрини сўраши, ўқиш ва касбга оид мавзулардаги аниқ ва батафсил оғзаки тавсифларни тушуна олиши ва матн туза олиши, турли вариантлар, сабаб, натижа, турли ситуацияларнинг ютуқ ва камчиликларини эътироф этган ҳолда ўз нуқтаи назарини ифода этиши, турли ижтимоий контекстларда тегишли тил воситаларидан ўринли фойдалана олиши, адабий (сандарт) тилда олиб бориладиган радио ва ТВ дастурларни (ҳужжатли фильмлар, жонли интервьюлар, ток-шоу, спектакль ва аксарият бадиий фильмлар) тушуна олиши ва мазмунини қисқача оғзаки баён эта олиш бўйича билим ва кўникмаларни эгаллаши ва мустақил таълим жараёнида ривожлантириш малака талаблари қўйилган.

Мазкур модулнинг таълим мазмунини таҳлил қилганимизда 1-4 семесторлар давомида ўтиладиган қуйидаги аудитория ва мустақил таълим мавзуларида ўз аксини топганлигини гувоҳи бўлдик: яъни шахс ва шахсият, Ўзбекистон ва ўрганилаётган чет тилида сўзлашувчи мамлакатлар миллий рамзлари, давлат тузилиши, озиқ-овқат, сиҳат-саломатлик, оилавий қадриятлар, таълим, шаҳар ва қишлоқ ҳаёти, дам олиш ва спорт билан шуғулланиш [8, 2-3 бетлар].

Шунингдек, мазкур модулга “бизнинг китоб” (машҳур шахслар, дўстлар, ёки ота-оналар ҳақида китоб), “биринчи учрашувлар” (постер шаклидаги презентация), “миллий рамзлар” (постер шаклидаги презентация), ўрганилаётган чет тилида сўзлашувчи мамлакатларнинг давлат тузилиши (билимлар мусобақаси), “соғлом овқатланишнинг 10 қоидаси” (қўлланма), “пазандалик китоби”(таомларнинг суратлари ва тайёрланиш жараёнлари акс этган китоб), “қандай қилиб соғлом турмуш тарзини олиб бориш мумкин” (постер шаклидаги презентация), “қандай қилиб чекишни ташлаш мумкин” (брошюра), “оилавий альбом” (қисқа фильм), “оилавий қоидалар” (постер шаклидаги презентация), “менинг орзуимдаги мактаб” (постер шаклидаги презентация), “ўқитувчилар галереяси” (катта ҳажмли постер), “шаҳримизга хуш келибсиз” (брошюра), “шаҳар лойиҳаси” (шаҳар лойиҳаси презентацияси), “мелодрама” (сюжет ёзиш), “турли маданиятларда спорт” (маълумотлар акс этган постер), “истеъмолчи баёноти” (мобил телефонлар ҳақида), “бизнинг гуруҳ ҳақида”(веб-саҳифа ёки блог яратиш) каби мавзулар мустақил таълим учун тавсия этилган бўлиб, 1-босқич давомида талабалар

шахслар, миллатлар, мамлакатларнинг ўзига хос хусусиятлари, саломлашиш одоблари ва қоидалари, турли халқларнинг давлат рамзлари, маданияти, кадрятлари, таълим тизими, ўқитувчи ва талаба муносабатлари, турмуш тарзи, дам олиш, спорт каби ижтимоий-коммуникацион мавзуларда билим ва кўникмаларни эгаллашларини назарда тутилади.

Биз тадқиқотлар давомида ушбу модулнинг таълим мазмунини янада бойитишга ҳамда бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг социолингвистик компетенцияларини мустақил таълим жараёнида ривожлантиришга ҳизмат қиладиган аудитория ва аудиториядан ташқарида мустақил бажаришга мўнжалланган қуйидаги мавзулар билан янада бойитилишини тавсия қилдик:

Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатларнинг маданий ўзига хослиги, маданий ўзлик (cultural identity), тарихи, географик жойлашуви, иқлими, маданий ҳилма-хиллиги, ижтимоий коммуникацион тартиб-қоидалари, тайм менежменти, кийиниш маданияти (dressing code): расмий, норасмий, кундалик, миллий, замонавий, диний ва хизмат кийимлари, маданиятлараро мулоқотда ташқи кўринишнинг аҳамияти, миллий ва диний байрамлари, эътиқоди, ҳоббийларига оид ижтимоий характерга оид турли масалалар юзасидан билимларга эга бўлишлари замирида уларнинг социолингвистик дунёқарашлари ўсади ва янада ривожланади.

Мазкур модул бўйича 2-курс давомида талабалар эса, Ўзбекистон ва дунё, касб-кор ва ишбилармонлик, атроф-муҳит муҳофазаси, муносабатлар, турли маданиятлараро мулоқот, оммавий ахборот, тиббиёт, илм-фан, замонавий технологиялар, таълим, ижтимоий масалалар мавзуларида билим ва кўникмаларни шакллантиришларини назарда тутилади [8, 4-5 бетлар].

Шунингдек, мазкур модулга мустақил таълим учун “Ўзбекистонга хуш келибсиз!” (сайёҳлар учун китоб), “Ўзбекистонни кашф қилинг!” (туризм ярмаркаси), “Интервьюлар” (сўровнома асосидаги баёнот), “Бизнес этикети” (тадбиркорлар учун қўлланма), “Бизнинг сайёра” (атроф-муҳитни асраш муаммоларига бағишланган конференция), “Атроф-муҳитнинг ифлосланиши” (постер шаклидаги презентация), “Никоҳдан ажралиш” (никоҳдан ажралиш сабаблари акс этган кичик драма), “Турли мамлакатларда хушфезллик қандай тушунилади?” (суратли презентация), “Хатти-ҳаракат ва имо-ишоралар” (постер шаклидаги презентация), “Ўзга маданиятни англаш муаммоси” (чет мамлакатга ўқишга борган талабалар учун қўлланма), “Интернет 10 йилдан сўнг” (радио дастур), “Бизнинг газета” (гуруҳ газетаси), “Пластик жарроҳлик” (илмий конференция), “Гени ўзгартирилган маҳсулотлар” (илмий конференция), “Менинг орзуимдаги университет” (таълим ярмаркаси), “Мактаб формаси” (постер шаклидаги презентация), “Жамоатчилик ишлари” (қарияларга кўмаклашиш, меҳрибонлик уйларига

ташриф каби видео фильм), “Адолат ва қонун” (ток шоу) каби бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг социолингвистик компетенцияларини мустақил таълим жараёнида ривожлантиришга хизмат қиладиган мавзулар берилган.

Шунингдек, модулнинг мазмунини бўлажак инглиз тили ўқитувчисининг онгига сингдириш ҳамда мустақил (индивидуал, шерикчилик асосида, катта ёки кичик груҳларда) ишлашга қаратилган таълим технологиялари ва методлари сифатида лойиҳа ишлари, интерфаол кейс-стадилар, семинарлар (мантикий фиклаш, тезкор савол-жавоблар), ролли ўйинлар, ток шоулар, диалоглар, суҳбатлар, телефон орқали ва жамоат жойларида мулоқот, интервьюлар, эълонлар, кўрсатмалар, йўриқномалар, теле ва радио хабарлар, хужжатли фильмлар, монологлар (презентациялар, нутқлар), кўшиқлар, аудио ва видео воситалари ёрдамида топшириқ ва вазифаларни плагиатга йўл қўймасдан индивидуал лойиҳалар қилиш, жамоа бўлиб ишлаш ва ҳимоя қилиш ва ўз вақтида топшириш назарда тутилган.

Биз ушбу модул материалларининг кенроқ тахлиллари асосида, фан мазмунини бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг онгига кенроқ сингдириш, эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини янада бойитиш, социолингвистик компетенцияларини мустақил таълим жараёнида ривожлантириш мақсадида аудитория ва аудиториядан ташқарида мустақил бажаришга мўнжалланган қуйидаги мавзуларни тавсия этдик:

Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатларда кенг тарқалган ижтимоий хизмат турлари, шахсий мулк, жамоат транспорт воситаларидан фойдаланиш одоб қоидалари, кундалик ҳаёт тарзи, ёшлар ҳаёти, тарбия масалалари, тиббий маданият даражаси, оммавий маданият даражаси, иш соати, ижтимоий тармоқлардан фойдаланишга доир мавзулар билан модул мазмунини бойитилиши бўлажак чет тили ўқитувчисининг социолингвистик дунёқарашларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Хулоса

Демак, “Тил кўникмалари интеграцияси” модули бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг сўзлашиш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзиш кўникмаларни, уларнинг коммуникатив компетенциялари: лингвистик (тилга оид нутқий қоидалар: грамматика, синтакс, семантика, фонетика ва стилистика), социолингвистик (ижтимоий муносабатларда билим, тажриба, мулоқотга оид компетенция) ва прагматик (ижтимоий фаолиятни ўзида қамраб олувчи нутқ жараёни, нутқ тактикаси, нутқ одоби, сўзлашиш қоидалари) компетенциялари ва касбий компетенцияларини мустақил таълим жараёнида баровар ривожлантиришда катта аҳамият касб этади. Бакалаврият таълими босқичида ўқитиладиган бўлажак инглиз тили

Ўқитувчиларининг социолингвистик компетенцияларини мустақил таълим жараёнида шакллантириш ва ривожлантиришнинг имкониятлари катта бўлган “Хорижий тилларни ўқитишда маданиятлараро мулоқотни шакллантириш”, ва “Социолингвистика” модулларига бағишланган тадқиқодимиз таҳлилларини келгуси мақолаларда ёритамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. 2021 йил 19 майдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-5117 сонли “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” <https://lex.uz/docs/-5426736>
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 610-сонли “таълим муассасаларида чет тиллар ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарори <https://lex.uz/docs/3304915>
3. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23-сентябрдаги янги таҳрирдаги 637-сонли “Таълим тўғрисида”ги Қонуни <https://lex.uz/docs/5013007>
4. ПҚ-312 сонли “Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида <https://www.lex.uz/docs/5431845>
5. The Common European Framework of Reference for Languages: Learning, teaching, assessment(CEFR) 2020 www.coe.int/lang
6. Хорижий тил ва адабиёти (тиллар бўйича) бакалаврият таълими малака талаблари, № 418. 14.08.2021 й.
7. Адабиётшунослик (инглиз адабиёти) магистратура таълими малака талаблари, № 418. 14.08.2020 й.
8. Тил кўникмалари интеграцияси фан дастури №БД-5111400-2.05. 14.08. 2020 й.